

**ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИДА МОЛИЯВИЙ
РЕСУРСЛАР МАНБАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАЪСИР ЭТУВЧИ
ОМИЛЛАР**

Ибрагимов Сирожиддин Баходирович

*“ARTEL” компанияси “QUALITY ELECTRONICS” корхонаси “Материаллар ҳисоби”
бўлими бошлиғи*

Калит сўзлар: *пул-молия муносабатлари, реал сектори корхоналари, жалб этиши, тақсимлаш, молиявий натижалар, миллий чемпионлар, устав капитали, мақсадли тушумлар, молиявий назорат.*

Мамлакатларда ўзаро иқтисодий алоқалари, турли хил мулкчилик шаклидаги жамиятлар, шу жумладан уй-томорқа хўжалиги, якка тадбиркорлик ривожини, давлат иқтисодиёти учун пул маблағларини жалб этиши айнан молия воситасида амалга оширилади. Барча корхона ва ташкилотлар маҳсулот(хизмат, иш)ни сотиш, харид қилиш ва ишчи(ходим)лар меҳнатига ҳақ тўлаш, белгиланган мажбуриятлари доирасида пул оқимлари-даромадлари ва жамғармаларининг бир қисмини солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар кўринишида давлатга ўтказиш, давлат бюджетидан иқтисодиётни молиялаштириш, шунингдек, давлат ва аҳоли ўртасида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш ҳамда давлат маблағлари ҳисобига фондларни шакллантириш жараёнларида пул-молия муносабатлари юзага келади. Ушбу жараёнда уларнинг даромадлари ва жамғармаларининг маълум қисми давлатнинг турли даражадаги бюджет(лар)ида жамланади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, пул муносабатлари молиянинг мазмунини ташкил этади.

Жаҳон амалиётида давлат иштирокидаги хўжалик тузилмалари молиявий ресурсларини бошқаришда замонавий бозор инструментларидан фойдаланиш орқали имкониятларини кенгайтириш билан бирга, уларнинг ўз маблағлари меъёрлари бўйича доимий равишда масалаларни чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинади. Жараённинг асосий мақсади уларнинг молиявий ресурсларини иқтисодий жиҳатдан самарали йўналишларга жойлаштириш ва жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Мамлакатимиз бозор иқтисодиёти шароитида давлат иштирокидаги реал сектори корхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш орқали, тактик режалаштиришни амалга ошириш бир йилдан беш йилгача муддатни ўз ичига олиб, бунда асосий эътибор жорий даврда маълум бир стратегик вазифани бажаришга қаратилган. Зотан, давлат иштирокидаги реал сектори корхоналарни молиявий ресурсларини бошқариш стратегик режалаштиришни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.



Ушбу режалаштиришда давлат иштирокидаги реал сектори корхоналари аввало мақсадни тўғри белгилаб олиш баробарида унга эришиш йўллари, ресурсларни жалб этиш, уларни тақсимлаш усуллари орқали жойлантириш билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш, вақти ва ундан кутиладиган молиявий натижалар аниқ белгилаб берилади.

Жаҳоннинг ривожланган давлатларидан Хитой мисолида кўрадиган бўлсак, у ерда босқичли ислохотлар ёндашуви 1970-йилларнинг охиридан бошлаб амалга оширила бошланди. Хитойнинг иқтисодий ислохот сиёсати иқтисодий самарадорликни ошириш ва ҳукмрон коммунистик партиянинг мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган икки томонлама мақсадларни мувозанатлаштиради. Бунга ўттиз йил аввал бошланган давлат корхоналари ислохотлари мисол бўла олади. Ушбу ислохотлар давлат корхоналарига хос бўлган аниқ самарасизликларни бартараф этишга қаратилган бўлса-да, Хитойнинг сиёсий ва ижтимоий барқарорлигини сақлаб қолиш учун уларни аста-секинлик билан амалга ошириш керак эди. Давлат иштирокидаги реал сектор корхоналарини миллий иқтисодиётларда мавжудлиги турли сабабларга кўра қаноатлантирилди. Бу эса молиявий ресурслар манбаларини шакллантиришда давлат корхоналарини турли равишда қўллашга олиб келди. Жумладан: жамиятни товарлар билан таъминлаш зарурати, табиий монополияларни тартибга солиш (ёки ундан фойда олиш), "миллий чемпионлар" сифатида ҳаракат қилиш ва 1950-йиллардан 1980-йиллардаги иқтисодий ислохотларгача марказлаштирилган, режалаштирилган иқтисодиётларда асосий ишлаб чиқариш бирлиги ҳукмрон бўлди. Маълумки, давлат корхоналари хусусий фирмаларга қараганда (бир қатор сабабларга кўра) камроқ самарали ишлайди, ҳукуматлар давлат корхоналари учун бозорларга қараганда “юмшоқроқ бюджет чекловларини” таъминлайди.

Таҳлил ва тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдики, реал сектор корхоналари ўз фаолиятини ташкил этишда молиявий ресурсларнинг манбалари, уларнинг ҳажми ва муддати муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг фикримизча, реал сектор корхоналарининг, молиявий ресурслар манбаларини ўрганишда уларни иккита гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқдир. Биринчи гуруҳга, ўз маблағлари, иккинчисига эса жалб қилинган маблағлар киради. Корхоналарнинг молиявий ресурслари таркибидаги ўз маблағлари уларнинг пассив операциялари ҳисобидан шаклланиб, улуши нуқтаи назардан жами ресурслари таркибида 75-80 фоизни, молия-кредит муассасаларида эса ушбу молиявий манба 10-15 фоиздан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ. Бундан кўриниб турибдики, корхоналарнинг молиявий ресурсларини бошқаришда асосий эътибор уларнинг ўз маблағларига қаратилади. Хусусан, маблағларни самарали жойлаштириш, кредиторлар олдидаги мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ бажариш, шунингдек маблағларнинг ҳажми ва қиймати ресурсларни



бошқаришнинг асосий объекти сифатида майдонга чиқади. Уларнинг ўз маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобидан шаклланади:

- устав капитали;
- қўшилган капитал;
- захира капитали;
- тақсимланмаган фойда;
- мақсадли тушумлар;
- келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захирлар.

Молиявий ресурслар манбаларини шакллантириш ва улардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари хақида профессор В.М.Родинованинг фикрига кўра, корхонанинг молиявий ресурслари бу ихтиёридаги пул даромадлари ва тушумлари, тадбиркорлик субъекти учун мўлжалланган молиявий мажбуриятларни бажариш, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш харажатларини амалга ошириш ва ишчиларни иқтисодий рағбатлантириш деб белгилайди. Бунда молиявий ресурсларнинг таркибий элементлари бошқариш билан чекланмай, у молиявий режалаштириш ва молиявий назоратни ҳам ўзида акс эттиради.

Хулоса қиладиган бўлсак, ушбу режалаштиришда корхоналар аввало мақсадни тўғри белгилаб олиш баробарида унга эришиш йўллари, ресурсларни жалб этиш, уларни тақсимлаш усуллари орқали жойлантириш билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш, вақти ва ундан кутиладиган молиявий натижалар аниқ белгилаб берилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 28 апрелда қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон фармони.

4. Интернет сайтлари. www.mf.uz , www.stat.uz , www.mineconomy.uz,
www.treasury.gov.au

